



## ҚУЙМА ШТАМПЛАРНИ ҲОЗИРГИ ЗАМОНДАГИ ЎРНИ

Абдуллаев Фатхулла Сагдуллаевич, Ахмадалиев Шоҳруҳ  
Шуҳратович, Ҳасанов Камолиддин Ақмал ўғли, Абдуллаев Руфат  
Фатхуллаевич

Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон


Ариқчаларга эга бўлган юқори сифатли штамп ускунасини ишлаб чиқариш имконияти сопол формаларга қўйиш усули юзага келганида пайдо бўлди. Бу усул юқори юза сифатига эга бўлган шакллари аниқ бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш имкониятини беради. Шу билан биргалиқда тайёр маҳсулотларнинг юқори бўлган механик хоссалари ҳам таъминланади. Сопол формаларга қўйиш усули илк бор 1959 йилда ишлаб чиқилган ва татбиқ қилинган. Бу усулнинг ишлаб чиқилишидан асосий мақсад – иссиқликка чидамли бўлган қотишмалардан аниқ ва мураккаб шаклдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришдир (механик ишлов бериш операцияларини кам қўллаш мақсадида).

Охирги вақтларда кўп давлатларда болғалаш ускунасини қўйма йўли билан ишлаб чиқариш одатий бўлган усулларни сиқиб чиқармокда. Мураккаб шароитларида ишлайдиган ускуналарни хоссаларини ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари турли илмий тадқиқот институтлари ва корхоналар амалга оширишган. Бу тадқиқотлардан мақсад –муайян турдаги пўлатларни штамп ускуналарини ишлаб чиқриш жараёнида қўллаш мумкин ёки мумкин эмаслиги ва иш жараёнида қотишмаларнинг ўзини тутишини аниқлаш.

Тадқиқотлар давомида кўплаб маркадаги пўлатлар қўлланилган. Улардан бири 5ХНВ бўлиб, шу маркадаги пўлат хоссалари билан биргалиқда шу пўлат маркасидан қўйилган штамп ускунасининг ишлаш қобилияти ўрганилган. Намуналар ерга, кокилга ва сопол формаларга қўйиб олинган. Қуйма ҳолатда барча намуналарда йирик доначалар ва яққол дендритлик кузатилди, айниқса ерга қўйилган намунада. Кокилга қўйилган намунада эса минимал дендрит ҳолат кузатилди. Бошланғич термик ишлов беришда намуналар  $900^{\circ}\text{C}$  да қиздирилди 8 соат давомида, якуний термик ишлов беришда эса тоблаш ва бўшатишлардан иборат. Тоблаш ва бўшатиш ҳарорати шу маркадаги пўлатлар учун маълумотномалардан олинган.

1-расмда қўйилган ва болғаланган пўлатларнинг мустаҳкамлик чегарасини тажрибалар ҳароратига боғлиқлиги кўрсатилган. Кўриниб турибдики, болғаланган пўлатнинг мустаҳкамлиги қўйилган пўлатнинг мустаҳкамлигидан юқорироқ. Тажрибаларни ўтказиш жараёнида ҳароратнинг ортгани сари оралиқдаги фарқ камайиб бормоқда ва  $700^{\circ}\text{C}$  ҳароратда қўйилган пўлат мустаҳкамлиги бўйича болғаланган пўлатдан

үтиб кетди. Турли усуллар билан олинган құймаларни мустаҳкамлиги орасидаги фарқ унча катта эмас. Бироқ кокилга қуйилған намунанинг мустаҳкамлиги юқорироқ эканлиги таъкидлаб үтилди.



**1-расм. Қуйилған ва болғаланған пўлатларнинг мустаҳкамлик чегараси.**

Хулоса қилиб айтиш мүмкінки, айрим штамп ускунаси учун қуйилған поковкалар болғалаш йўли билан олинган поковкалардан мустаҳкамроқ бўлади. Бу соҳада тадқиқот ишлари давом этмоқда.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Кузнецно-штамповочное производство : учеб. / И. Л. Константинов, С. Б. Сидельников. – Красноярск : Сиб. федер. ун-т, 2013. – 468 с.
2. Штампы для горячего деформирования металлов. Под. ред. М.А. Тылкина. Учебное пособие для вузов. М., “Высш. школа”, 1977 г.